

# МОЛОДОЙ УЧЁНЫЙ

ISSN 2072-0297

МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ



32 2020  
ЧАСТЬ II

16+

## СОДЕРЖАНИЕ

### ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

<b>Афанасьев Г. М.</b> Зарубежный опыт функционирования государственно-частного партнерства .....	105
<b>Байрит А. В.</b> Анализ понятия «государственного заказа» в доктринальном и легальном поле.....	106
<b>Березнякова М. Э.</b> Методика расследования легализации (отмывания) доходов, полученных преступных путем.....	108
<b>Броева Н. О.</b> Гражданский брак или...? .....	110
<b>Вавина А. Д.</b> Вопросы освобождения от уголовной ответственности за незаконный оборот наркотиков .....	112
<b>Генрих Т. В.</b> К вопросу определения понятия «налоговый контроль» .....	115
<b>Джейлан Э.</b> Нарушение принципа невмешательства.....	116
<b>Павлова Д. А.</b> Смарт-контракт: правовое регулирование в Российской Федерации и за рубежом .....	118
<b>Резниченко К. В.</b> Проблемы предупреждения неправомерного завладения автомобилем или иным транспортным средством без цели хищения (угона) .....	120
<b>Салагаева А. В.</b> Юридические лица: понятие, признаки .....	123
<b>Сечина Е. Ю.</b> Совершенствование основных направлений развития государственной гражданской службы в Российской Федерации.....	125
<b>Теплякова Н. В.</b> Понятие регионального законотворческого процесса.....	128

<b>Ульяненко У. С.</b> Пандемия новой коронавирусной инфекции (COVID-19) как условие освобождения от ответственности в договорных обязательствах .....	129
<b>Чепуров С. И.</b> Понятие свободных лицензий.....	131
<b>Чепуров С. И.</b> Меры совершенствования антикоррупционной политики на примере ужесточения административной ответственности государственных служащих .....	132

### ПСИХОЛОГИЯ

<b>Баймуратов Т. Р., Еникеева А. М., Насретдинова Л. М., Хусаенова А. А.</b> Влияние специфики медицинской деятельности на появление симптомов эмоционального выгорания.....	134
<b>Гончаров А. С., Макарова О. С.</b> Фактическое расширение зоны ближайшего развития в процессе целенаправленного обучения .....	135
<b>Монгуш У. С.</b> Психологическая служба ВУЗа .....	139
<b>Чаплыгина К. И.</b> Подходы к изучению творческого потенциала в современных исследованиях.....	141

### ПЕДАГОГИКА

<b>Ахмедова Х. О.</b> Профессионально-ориентированное обучение языкам сотрудников правоохранительных органов — конкурентоспособность и профессионализм будущего.....	143
<b>Буханова О. Э.</b> Организация деятельности по формированию умений моделирования при решении задач с геометрическим содержанием у младших школьников.....	144
<b>Ветчанинова Е. Ю.</b> Классические и современные средства поликультурного воспитания в школе .....	146

**Гарибян Г. Л.**

Ученическое самоуправление в суворовском взводном коллективе как средство развития и самореализации личности суворовца ..... 149

**Dehqonova O. K.**

The use of mathematics concepts in physics laboratory training in secondary schools ..... 150

**Ильясов А. С., Турсунова Ш. М.**

Методы формирования экологической культуры подрастающего поколения в общеобразовательных учреждениях ..... 153

**Комолкина Т. А., Кузнецова О. Ю.**

Анализ использования в учебном процессе электронных учебников и электронных информационных ресурсов в Казанском суворовском военном училище ..... 155

**Кутрань О. Н.**

Цвет и его характеристики. Значение цвета в жизни человека. Нарушение цветового зрения. Развитие цветосприятия у дошкольников с нарушением зрения ..... 157

**Нестерова Л. А., Галкина Е. М.**

Развитие исследовательских способностей у детей старшего дошкольного возраста ..... 161

**Смородина Е. В., Ильиных Т. Н.**

Развитие речи детей младшего дошкольного возраста через театрализованную деятельность ..... 163

**Чехлыстова Т. В., Лесунова В. В.**

Образовательный процесс детского сада в условиях использования информационно-коммуникативных технологий ..... 165

## ФИЗИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА И СПОРТ

**Межевич А. А.**

Эффективность применения комплексов специальных беговых упражнений в подготовительном периоде у бегунов на средние дистанции ..... 167

## КУЛЬТУРОЛОГИЯ

**Кайгородова П. П.**

Религиозный культ ацтеков ..... 171

## ФИЛОЛОГИЯ, ЛИНГВИСТИКА

**Высторопец Е. В.**

Фразеологизация числового кода в английском языке ..... 173

**Ермолаева А. А.**

Полисемия в контексте нейронного машинного перевода ..... 175

**Ovserjan J. A.**

The comparison of English and Spanish diphthong systems in synchrony and diachrony ..... 177

**Khabibulina Z. Z., Sibgatullina A.**

Bilingual communication is a complex linguistic problem ..... 178

## ФИЛОСОФИЯ

**Войцеховский С. Н.**

Очерк дисциплины «Окружающий мир». Глава 1 ..... 180

## НАУЧНАЯ ПУБЛИЦИСТИКА

**Мразевская А. А.**

Любовная зависимость — основные признаки и способы избавления от недуга ..... 186

## МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ O'ZBEKISTON

**Аликулов С., Джалилова Ш. С., Уктамов Х. Ф.**

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда деҳқон хўжаликларининг ўрни ..... 189

**Исломова Б. Х.**

Яқинийнинг «Ўқ ва Ёй» асарига лингвистик муносабат ..... 191

## МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ О'ЗБЕКISTON

### Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда деҳқон хўжаликларининг ўрни

Аликулов Самар, доцент, и. ф. н.

Джалилова Шахноза Салимовна, катта ўқитувчи  
Самарқанд давлат архитектура — қурилиш институти, Ўзбекистон

Уктамов Хусниддин Фахриддинович, ассистент  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон

*Ушбу мақола деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фаол иштирокчиси бўлгани асосланган. Озиқ-овқат барқарорлигини таъминлаш учун деҳқон хўжаликларини ривожлантириш зарурияти илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.*

*Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари, ноозиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, таъминот-сервис хизмати.*

### Роль крестьянских хозяйств в обеспечении продовольственной безопасности Узбекистана

Аликулов Самар, кандидат экономических наук, доцент;

Джалилова Шахноза Салимовна, старший преподаватель  
Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт имени М. Улугбека (Узбекистан)

Уктамов Хусниддин Фахриддинович, ассистент  
Ташкентский государственный экономический университет (Узбекистан)

*В статье рассматривается роль фермеров и землевладельцев как активных участников производства сельскохозяйственной продукции. Проанализирована необходимость развития фермерских хозяйств для обеспечения продовольственной устойчивости и дано предложение с научной и практической точек зрения.*

*Ключевые слова: продовольственная безопасность, фермерские хозяйства, землевладельцы, непродовольственное производство, снабжение-сервис услуги.*

Республикаимизда озиқ-овқат таъминоти барқарорлигини сақлашда деҳқон хўжалигининг ўрни юқори бўлганлиги ушбу хўжалик юритувчи субъектларни ривожлантириш бўйича кенг миқёсда ислохотлар олиб боришга замин яратади. Ўзбекистон Республикаси аграр сектори иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, аҳолининг озиқ-овқатга келгуси ошиб бораётган эҳтиёжлари кўп томонлама деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари фаолияти билан боғлиқлиги боис, деҳқон хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш асосида уларнинг даромадини ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Зеро, муҳтарам Президентимиз айтганидек, «истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли — мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтиришдир. Шунингдек,

аҳоли даромадларини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида бозор механизмининг кенг жорий қилиб, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини оширмас эканмиз, биз кутган сезиларли ўзгариш бўлмайди» [1].


Аҳоли жон бошига тўғри келадиган тиббий меъёрга мос равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳар бир мамлакат иқтисодиёти олдида турган муҳим вазифадир. Аммо имкониятлар чекланган бўлсада, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи йилдан-йилга кескинлашмоқда [2]. Глобал иқлимнинг кескин ўзгариши, аҳоли сони ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши соҳада ислохотларни изчил давом эттириш заруратини келтириб чиқармоқда [3]. Иқлимнинг исиб кетиши, ифлосланиши оқибатида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан биргина мева ва сабзавотлар

истеъмолини кунлик 400–500 граммга чиқариш лозимлигини [4], лекин афсуски, ушбу меъёр дунё бўйича ўртача 150–200 граммни ташкил этаётганини эътироф этмоқда. Халқаро диетологлар тавсиясига кўра, инсон истеъмолига кирадиган озиқ-овқатнинг камида 50 фоизини мева ва сабзавотлар ташкил этиши лозим [5].

Ҳозирги кунда деҳқон хўжалиklarининг истиқболда ривожлантиришда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб ҳамда ўзбек менталитети ва азалий деҳқончилик қадриятлари сақланган ҳолда мамлакатимиз раҳбари ўз қарор ва фармонларини халққа етказиш орқали бугунги куннинг фермер, деҳқон ва томорқа хўжалиги эгалари учун катта шарт-шароитлар яратиб берди [6]. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотлар давлат илмий-техник дастурларини шакллантириши, фермер, деҳқон хўжалиklarининг ер участкалари ва томорқа ерларидан самарали фойдаланиш бўйича инновацион ишланмалар ва замонавий технологиялар ишлаб чиқишни назарда тутувчи илмий лойиҳалар киритилиши, кичик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ҳамда деҳқон хўжалиklари ва томорқа ерларида мини-агротехнологияларни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот марказининг тузилиши [7]; республика минтақаларида деҳқон хўжалиklари ва томорқа

ер эгаларига қишлоқ хўжалиги экинларини касалликлардан ҳимоя қилиш, зарур тавсия ва маслаҳатлар беришга кўмаклашувчи ва хизмат кўрсатувчи «Ўсимликлар клиникаси» МЧЖларнинг ташкил этилиши [8], деҳқон хўжалиги ва 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлаган жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига йилига энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорига суғурта бадали тўланган тақдирда [9], суғурта бадали тўланган йил меҳнат стажига киритилиши [10], «Томорқа хизмати» МЧЖнинг фаолият юритиши фаолият юритаётган фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгаларининг юқори даромад олишлари кафолатидир [11].

Бугунги кунда деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгаларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатишда зарур инфратузилмалар яратилмаган ҳамда бозор механизмлари етарли даражада шаклланмаган [12]лиги ҳам уларнинг фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, деҳқон хўжалиklари учун аниқ тартибга солинган, қулай таъминот тизими мавжуд эмас [13]. Тадқиқотимиз давомида сўровнома ўтказилди, ушбу сўровномада иштирок этган деҳқон хўжалиklarининг фикрлари [14] қуйидаги расмда ифодаланган (1-расм).



1-расм. Чорвачилик фаолияти юритувчи деҳқон хўжалиklarининг муаммолари

Юқоридаги муаммоларнинг ҳал этилиши учун, фикри-мизча, деҳқон хўжалиklarини зарурий ресурслар билан таъминлаш вазифалари билан шуғулланувчи алоҳида «таъминот-сервис хизмати» тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқ [15].

«Таъминот-сервис хизмати» махсус деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари фаолиятида кўмаклашиш [16], ўз-ўзини молиявий таъминлай олиш, уларга хизмат кўрсатиш ортидан фойда кўрувчи тадбиркорлик субъектидир. Унинг Низоми ва вазифаларига мувофиқ, низом жамғармасида деҳқон хўжалиklarининг самарали фаолият юритишига кўмаклашувчи барча инвентарлар бўлиши лозим. Тадқиқотларга кўра, жойларда бундай ташкилотларни ташкил қилиш орқали деҳқон хўжалиklарига яқиндан амалий ёрдам кўрсатилади ва деҳқон хўжали-

klари ўзларида туғилган ҳар бир муаммони ушбу ташкилотлар орқали ҳал этишлари мумкин.

Пандемия шароитида аҳоли фаровонлиги, тўқис дастурхон, озиқ-овқат таъминоти каби масалалар таъминланиши керак экан, бунда деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари фаолиятини ривожлантириш муҳим тадбирлардан бири саналади. Ҳаттоки, бу давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, фойдаланилмайдиган ерларни олиб қўйишдек масала ўртага қўйилмоқда. Деҳқон хўжалиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришга ихтисослашган оила хўжалиги бўлиб, бунда оила аъзоларининг бир-галикдаги меҳнати таъминланади ҳамда аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаби қондирилади.

Келгусида деҳқон хўжалиklарида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун самарали ташкилий ва иқти-

содий қарорларни ишлаб чиқиш илмий асосда, тажрибали деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари тавсиялари билан ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг тақлифларини инобатга олиб, «Таъминот-сервис хизмати»ни ташкил этиш муҳимдир. Ҳаттоки, онлайн-масофадан туриб хизмат кўрсатиш жоиз бўлса

ҳам, деҳқон хўжаликларига, томорқа ер эгаларига сифатли уруғ-ликлар етказиб бериш хизматини ташкил этиш лозим. Шунингдек, бозорнинг истиқболдаги ривожланиши, истеъмолчиларга маҳсулотларни тақдим этишнинг инновацион ёндашуви маҳсулотлар диверсификацияси билан боғлиқ экан, маҳсулотлар диверсификациясини амалга ошириш тақлиф этилади.

Адабитлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномаси. 24.01.2020.
2. Тухтабаев Ж. Ш. (2020). Коронавирус пандемияси натижасида вужудга келадиган глобал инқироз ҳолатларининг Ўзбекистонга салбий таъсирини юмшатиш бўйича чоралар. «Янги Ўзбекистон иқтисодийнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш: муаммолар, таҳлиллар ва натижалар» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами.— Т.: ТДИУ, 2020.— 114–118 б.
3. Тухтабаев Ж. Ш. (2019). Саноат корхоналарида муносиб меҳнат тамойиллари асосида меҳнат самарадорлигини оширишда унга таъсир кўрсатувчи омилларни эконометрик баҳолаш. «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг янги босқичида инсон омили ва манфаатлари: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами.— Т.: ТДИУ, 2019.— 234–239 б.
4. Tukhtabaev J. Sh. (2020). “Econometric evaluation of influential factors to increasing labor efficiency in textile enterprises. Advances in Mathematics: Scientific Journal.
5. Tukhtabaev J. Sh. (2020). Labour Protection Problems In Ensuring The Economic Security of Industrial Enterprises. Asian Journal of Technology & Management Research. Supplement no. 1.
6. Тухтабаев Ж. Ш. (2020). Саноат корхоналарида иқтисодий хавфсизликни баҳолаш индикаторлари. «Миллий юксалиш ва ёшларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари» мавзусида республика илмий-назарий конференцияси. Самарқанд.— 375–377 б.
7. Tukhtabaev J. Sh. (2016) «Criteria and parameters of labor efficiency». Journal L'Association 1901 «SEPIKE», Ausgabe 12.— pp. 201–206.
8. Tukhtabaev J. Sh. (2016). «The theoretical approach on increase of professional skill of workers and stimulation of their creativity». «International Scientific Journal Theoretical & Applied Science», Supplement no. 03 (35).— p. 45–48.
9. Тухтабаев Ж. Ш. (2015). “Методологические подходы к определению интенсивности труда. European social science journal, № 3.— с. 44–49.
10. Tukhtabaev J. Sh. (2014). Estimation of efficiency of work in a control system of the personnel. Proceedings of the 1st International Conference on Economic Sciences. Vienna, Austria.— p. 280–283.
11. Тухтабаев Ж. Ш. (2020). Пандемия шароитида деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари фаолиятининг аҳоли турмуш даражасини оширишдаги роли. Молия ва банк иши электрон илмий журнал, № 2.— 318–323 б.
12. Тухтабаев Ж. Ш. (2015). Саноат корхоналарида иш вақти фондидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда меҳнат шароитининг таъсири. «Иқтисодий ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 5.
13. Тухтабаев Ж. Ш. (2016). Саноат корхоналарида персонал меҳнат самарадорлиги кўрсаткичини мезонлар бўйича баҳолаш. «Иқтисодий ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнал, № 1.
14. Tukhtabaev J. Sh. (2020). Essence of motivation on increase of efficiency of labor. III Международная научно-практическая конференция «Приоритетные векторы развития промышленности и сельского хозяйства» ГОУ ВПО «Донбасская аграрная академия».
15. Тухтабаев Ж. Ш. (2016). Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини омилли таҳлил қилиш услуби. «Иқтисодий ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнал, № 2.
16. Тухтабаев Ж. Ш. Рақамли иқтисодий ривожлантириш шароитида саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми. Монография.— Т., 2020.— 170 б.

## Яқинийнинг «Ўқ ва Ёй» асарига лингвистик муносабат

Исломова Барно Хабибулла қизи, магистр

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

*Ушбу мақолада мунозара жанрида қалам тебратган XV асрда ижод қилган Яқинийнинг «Ўқ ва Ёй» асари, унинг қисқача таҳлили ва у ҳақидаги фикрлар келтирилган.*

*Калит сўзлари: мунозара жанри, Яқиний, тилишунослик, таҳлил.*

## Произведение поэта из жанра дискуссии «Ук ва ёй» («Между стрелой и луком»)

Исломова Барно Хабибулла қизи, магистр

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (Узбекистан)

В данной статье представлен краткий анализ произведения «Ук ва ёй», созданного в XV веке пером в жанре дискуссии, и мнения о нем.

Ключевые слова: жанр дискуссии, Яқиний, литература, анализ.

Ўзбек халқи қадимий тарихга, бой ўтмиш меросга эга. Кўп асрлик халқнинг тарихи ёзма ёдгорликлар ва оғзаки ижод намуналари орқали авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Юрти-мизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ миллий-маънавий меросга бўлган эътибор кучайди. Барча соҳаларда бўлгани каби адабиётшунослик илмида қатағонга учраган анъаналаримиз, диний ва тасаввуфий адабиёт ҳамда унинг Миллий маънавиятга таъсири масалалари хусусида очиқ-ойдин мушоҳада юритиш имконияти туғилди. Шу орқали тилимиз тарққиётида мустақил ва собит ўрнига эга бўлган бир қатор дурдоналаримизни биз талаба ёшларга етказиш имкони ҳам ана шу миллий мустақиллигимиз шарофатидир.

Натижада «Авесто», Ўрхун — Энасой ёдгорликлари, М. Қошғарийнинг «Девону луғатит-турк» асари, Х. Ҳожибнинг «Кутадгу билиг», А. Югнакийнинг «Ҳибагул-хақойик» дostonлари, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Саъдий Шерозий, Низомий Ганжавий, Паҳлавон Маҳмуд, Хўжандий, Юсуф Амирий, Яқиний, Абдурахмон Жомий ва бошқа шу каби шоирларнинг ижоди ёш авлодга етказилмоқда [1].

XV асрда ўзбек адабиётида мунозара жанрига оид учта асар яратилгани маълум. Булар Юсуф Амирийнинг «Банг ва Чоғир орасинда мунозара», Яқинийнинг «Ўқ ва Ёй орасинда мунозара», Аҳмадийнинг «Руджоманинг орасинда мунозара ва мубоҳаса» асарларидир.

Ўзбек адабиётида мунозара жанрининг илдизлари «Девону луғатит-турк» Ёдгорликларига, ундаги «Қиш ва Ёз мунозари»га бориб тақалади. Яқиний эса «Ўқ ва Ёй» насрий мунозарида хушоматгўй ва мансабпараст кишиларни аёвсиз танқид қилиб, «...бу мунозарадин мақсуд улким, бу даврнинг каж таъбларининг қошинда ҳар ким ёйдек эгри бўлса, ёнларидан йироқ бўлмас ва ҳар ким ўқдек рост бўлуб, тўз юруса яқинийдек йироқ тушар» деб ўз даврининг ҳукумдорларидан Шикоят қилади ва Асий деган Шоирнинг қуйдаги қитъасини келтиради:

Ҳар ки Шут рост андрин майдон,  
Ҳар кужо рафт беҳўзур уфтод.  
Аз кажи Шут камон ба тахлийи Шоҳ  
Тир аз рости ба дур уфтод.

(Кимки бу майдонда рост бўлса, қайерга борса ҳам баҳаловат бўлиб тушади. Ёй эгрилиги туфайли Шоҳ Ёнидан жой олди, ўқ эса ростликдан узоқларга бориб тушди.)

Яқиний мунозарага Ҳофиз, Хисраф Дехлавий, Қосим Анвор, Юсуф Амирий, Атоий, Саккокий, Лутфий ва бошқа шоирларнинг ўқ ва ёй ҳақидаги шеърларидан парчалар келтиради. Жумладан, Атоийнинг:

Ул Шахсувор тиркашининг ўқининг юнги  
Жом қушининг тириклата юлгон қанотидур.

Саккокий назмидан:

Жону фидо бўлсин сенинг ғамзанг ўқина неча ким,  
Ҳар неча қушинг эгмаси ўқтик буюмни ё қилур.

Яқиний ҳақида унинг ижоди ҳақида жуда кам маълумот сақланиб қолган. Манбааларда, хусусан, Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Муҳокаматул-луғатайн» асарларида шоир ҳақида шундай дейилади: «Хулоғихон замонидин султон соҳибқурон Темур Кўрагон замонидин фарзанди халафи Шоҳруҳ Султоннинг замонининг охиригча турк тили била Шуаро пайдо бўдилар. Шуаро Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Муқумий, Яқиний, Амирий ва Гадонийдеклар» [2]. Алишер Навоий яна бир ўринда, яъни «Мажолис ун-нафоис»да шоир Яқиний ҳақида аниқроқ маълумот беради: «Мавлоно Яқиний тундроқ машраблиқ киши эрди. Туркчасидин бу матлаин кўп мубоҳотлар била ўқур эрдиким:

Оҳким, жонимга еттим ёри нодон илгидин,  
Доду фарёд ул жафочи офати жон илгидин...

Охири дамида беадабона сўзлардин тавба қилиб, аҳли салоҳ тарийқи билан кечти. Умидким мафу бўлмиш бўлғай. Қабри дараи Дубаророндадур» [3].

Навоийнинг бир эмас, икки асарида тилга олинган шоир ижодининг ўзига хослиги, мавзунинг долзарблиги ва давр нуқтани назардан ўрганилиши эътиборга молик. «Ўқ ва Ёй» асари жанр тақазосидан ҳам тилнинг бетакрор жиҳатларини ўзида ифода этган асар.

Яқиний отиш мусобақаси майдонига кирган отлик йигитнинг кўлидаги ўқ ва елкасидаги ёйни кўриб, мажоз йўли билан ўқ ва ёй орасида мунозара тарзидаги асар ёзишга жазм қилган. Ўқни йигит ва айни замонда тўғрилиқ, ростгўйлик тимсоли, Ёйни эса қари чол ҳамда эгрилик, хушоматгўйлик тимсоли сифатида кўрсатган, эгриликни тўғрилиқ тилидан фош этган. Ўқ тўғри сўзлиги учун барлослар тимсоли бўлган Гириш (ёйнинг ўқни тортувчи ипи) ва тархонийлар тимсоли бўлган Зиҳир (ёйнинг икки чети)лар томонидан алданиб, узоққа отилади ва ёй атрофини қуршаган салбий кучлар қурбони бўлади. Шоир: «ҳар ким ёйдек эгри бўлса, бу давр каж таъбларининг ёнларидан йироқ бўлмас ва ҳар ким ўқтек рост бўлуб, туз юрса, Яқинийдек йироқ тушар..». дея хулоса қилиб, ўз давридаги юқори табақа вакилларини ва уларнинг иккиюзламачи малайларини танқид қилади. Асарнинг ягона қўлёзма нусхаси Британия музейида сақланади.

Асардан қисқача қуйидаги намуналарни келтириш мумкин:  
Назм:

Сар дар пайи ҳар кас, ки ниҳам, то ба қиёмат  
Бигуризаду як чашм задан на нгарад аз пас.  
Басе отим кайбурдур, андоққи шоир айтур.  
Доғе ки, ҳаст бар дили душман кунад ду ним  
Он тире тез парри тукаш ном кайбураст.

Байт:

Новакинг кирса кийикнинг қониға

Ҳеч ҳойи [қ]мас етибон гуна ёзуқ.

XV асрнинг биринчи ярми ўзбек адабиётида мунозара жанрининг тараққиётида Яқинийнинг «Ўқ ва ёй» мунозараси алоҳида ўрин тутди. Асардаги мажозий образлар орқали таъсирлаган сюжет воқеалари ва унда илгари сурилган масалалар ҳамма даврда долзарблиги билан ажралиб туради.

Замонавий ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари тилшунослар томонидан ўрганилмоқда, лекин баъзи бир қатор

манбаалар уларнинг лингвистик нуқтаи назардан тадқиқи бўйича мамлакатимизда етарлича ўрганиш ишлари олиб борилмаган. Миллатимизнинг бой тарихий мероси наъмуналаридан бўлган Яқинийнинг «Ўқ ва ёй» мунозараси ҳам шундай асарлардан бири.

Ҳар қандай тилни авайлаб-асраш, бойитиш, ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тарихий манбааларни ўрганишсиз амалга ошириб бўлмайдиган жараён. Чунки она тилимизнинг софлигига эришиш миллий маънавиятни такомиллаштириш ва юксалтиришнинг асосий йўллари саналади.

Адабитлар:

1. [http://www.ziyouz.com/index.php?option=com\\_content&task=view&id=7233&Itemid=99999999](http://www.ziyouz.com/index.php?option=com_content&task=view&id=7233&Itemid=99999999).
2. А.Навой. Асарлар. Ўн беш томлик. 14-том. Т. 1967-йил, 128-бет.
3. А.Навой. Асарлар. Ўн беш томлик. 14-том. Мажолис ун-Нафоис. Т. 1967-йил.